# X. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

**Юк ташиш**. 2018 йилнинг январь-мартида автомобиль транспорти томонидан 3,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 111,4 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 148,3 млн. тн–км.ни ташкил қилди ёки 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 102,3 фоизга ўсди.

**Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси**

| | *2018 йил январь-март* | *Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|
| **Ташилган юклар, *млн. тн.*** | **3,9** | **111,4** |
| автомобиль транспортида | 3,9 | 111,4 |
| **Юк айланмаси, *млн. тн–км*** | **148,3** | **102,3** |
| автомобиль транспортида | 148,3 | 102,3 |

Автомобиль транспортида 3,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 111,4 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 148,3 млн. тн–км.ни ташкил қилди ва 102,3 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортидаги юк айланмаси 2017 йил январь-мартига нисбатан 101,2 фоизга кўпайди ва 134,5 млн. тн–км.ни ташкил қилди. Автомобиль транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида якка тартибдаги юк ташувчиларнинг улуши 88,7 фоизни (2017 йилнинг январь-мартида 95,1 фоизни) ташкил этди.

**Йўловчи ташиш.** Барча транспорт турларида ташилган йўловчилар сони 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 102,9 фоизга кўпайди ва 24,4 млн. кишига етди. Йўловчи ташиш айланмаси 102,8 фоизга кўпайиб, 537,0 млн. йўловчи–км.ни ташкил этди.

**Транспорт турлари бўйича**
**йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси**

| | *2018 йил январь–сентябрь* | *Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида* | *Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| **Ташилган йўловчилар, *млн. киши*** | **24,4** | **100,0** | **102,9** |
| автомобиль транспортида | 24,4 | 100,0 | 102,9 |
| **Йўловчи айланмаси, *млн. йўловчи–км*** | **537,0** | **100,0** | **102,8** |
| автомобиль транспортининг | 537,0 | 100,0 | 102,8 |

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобиль транспортига тўғри келиб, 95,4 фоизни, йўловчи айланмасида эса унинг улуши 98,0 фоизни ташкил қилди.